



02 - сентябр 2014 йил

Наманган шаҳри 276 -сонли

Наманган шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ташиш ҳақи тарифини белгилаш тўғрисида

“Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 124-модда) 16-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги “Шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида”ги 455-сонли қарорига асосан ҳамда Наманган шаҳар ҳокимининг 2014 йил 14 майдаги 01/19-1339-сонли, Молия вазирлигининг 2014 йил 16 июндаги МА/15-04-19-12/74-803-сонли хатларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган шаҳар ҳокими (Б.Бекходжаев) ва “Наманган йўловчи ташиш” давлат унитар автокорхонаси (Н.Сайдуллаев) Наманган шаҳридаги йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, йўналишлардаги автобусларни белгиланган тартибда фаолият кўрсатиши юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрсин.

2. Наманган шаҳрида йўловчилар транспортида йўловчиларни бир мартаба ташиш хизмати тарифи 600 сўм миқдорда белгилансин.

3. Наманган шаҳар ҳокими (Б.Бекходжаев), “Ўздарёттранс” агентлиги вилоят бўлими (Б.Абдурахимов) ва “Наманган йўловчи ташиш” давлат унитар автокорхонаси (Н.Сайдуллаев)га:

келгусида йўналишдаги транспортларни ҳаракатланиши учун аҳолини ҳаракатланишидан келиб чиққан ҳолда мониторинг ўтказиб, йўловчи ташиш транспортини иш режимига аниқлик киритиш ва уларнинг сонини кўпайтириш;

йўловчи ташиш транспортларининг ҳаракатланишида график ва оралик масофаларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатиш;

вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Т.Азимов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Валиев) билан биргаликда ноқонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган транспорт воситалари фаолиятига чек қўйиш ва қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш юзасидан рейдлар ўтказиб бориш;

“Наманган йўловчи ташиш” давлат унитар автокорхонаси иш самарадорлигини ошириш, барча ҳаражатларини қоплаш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини мақбуллаштириш, ноишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, ёнилғи-мойлаш материалларидан оқилона фойдаланиш юзасидан доимий ва тизимли иш ташкил этиш;

йўловчи ташиш транспортларини ҳаракатланиши бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан транспортларни ҳаракатланиши устидан “он-лайн” режими асосида масофавий назорат “GPS” тизимини жорий этиш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Вилоят ҳокимининг 2011 йил 29 сентябрдаги 248-сонли ҳамда 2014 йил 1 июлдаги 197-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Дадабаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Б. Юсупов